

173
А-405

С.Ф. АКОБИРОВ

ШУБА
ВА

ТЕРМИНОЛОГИЯ



С. Ф. АКОБИРОВ

443
А-405

ТИЛ ва ТЕРМИНОЛОГИЯ

82 19810/2

БИБЛИОТЕКА
У.ОДУСХИ
г. Самарканд

№ 20

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг
Бирлашган нашриёти
Тошкент — 1968

4Ўз
А42

Акобиров С. Ф.
Тил ва терминология. Т., Ўзбекистон
КП МКнинг нашриёти, 1968.
40 бет. Тиражи 23030
Акобиров С. Ф. Язык и терминология.

4Ўз

1. СЎЗ ВА ТЕРМИН ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда фан ва техниканинг деярли барча соҳалари вужудга келди ва мислсиз ривожланди. Бу эса ўзбек тилида фан ва техниканинг ҳамма соҳаларига онд терминларни юзага келтирди. Уларнинг асосий кўпчилиги тилда пухта ўзлашган, оммалашган, стабиллашган бўлса-да, айрим терминлар хато ва камчиликлардан холи эмас. Шу муносабат билан ўзбек тилшунослари ва турли соҳа мутахассислари олдида фан ва техника терминологиясини тартибга солишдек шарафли вазифа туради.

Ушбу китобчада ўзбек тили фан ва техника терминологиясини тартибга солиш соҳасида амалий ишларни илмий асосда йўлга солиб юбориш билан боғлиқ бўлган баъзи назарий масалалар устида тўхтамоқчимиз. Бу масалалар аввало термин ва терминологиянинг таърифи, терминология ишининг мазмуни ҳақидаги масалалардир. Бу масалаларнинг ҳар бири махсус илмий текшириш ишлари, алоҳида-алоҳида докладлар талаб қилади. Терминология масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ кенгашининг катта программаси¹ айтилганларнинг ёрқин далилидир. Уша кенгашда «Термин ва терминология нима?»² деган темада доклад қилган профессор А. А. Реформатский ўз докладыни шундай сўзлар билан бошлайди: «Бу ишда биз «термин» ва «терминология» тушунчалари билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларга жавоб бермоқчи эмасмиз, бунинг учун алоҳида бир китоб ёзиш керак»³. Шундай экан, фан ва техника терминологиясининг амалий масалаларига бағишланган бу китобчада

¹ Қизиқувчиларга кенгаш материаллари билан танишиб чиқишнинг тавсия этамиз; қ. «Вопросы терминологии» номли тўплам. М., 1961.

² А. А. Реформатский, «Что такое термин и терминология?», кўрсатилган тўплам, 46—57-бетлар.

³ Уша ерда.

термин ва терминология ҳақида энг умумий тушунчалар, энг умумий маълумотларгина бериб ўтилиши мумкин.

Терминни таърифлаш учун, одатда, у сўз билан қиёс қилинади. Лингвистик адабиётда, терминологияга бағишланган илмий ишларда ҳар қандай термин сўздир, лекин ҳар қандай сўз термин бўлолмайди, деган фикр эътироф қилинади. Демак, аввало, термин билан сўзни чегаралаб олиш керак.

Терминнинг маъноси, моҳияти, унинг номидан келиб чиқади. Терminus — чегара, чек демакдир. Бинобарин, термин чекли, чегараланган, аниқроғи — бир маъноли сўздир. Ваҳоланки, одатда сўзлар кўпинча кўп маъноли бўлади. Сўзларнинг кўп маъноли бўлиши табиийдир. Маълумки, ҳар қандай сўз туғилишда бир маъноли бўлади, лекин кишилик жамияти тараққиёти давомида у кўп маъноли сўзга айланиб боради.

В. И. Ленин: «Одамнинг тушунчалари қотган эмас, балки у доим ҳаракатда бўлади, бири иккинчисига ўтиб, бири иккинчисига айланиб туради, бусиз улар жонли ҳаётни акс эттиролмаган бўларди»¹ деб ёзади.

Тушунчаларнинг ана шундай ҳаракати, ўзгаришлари, янги тушунчаларнинг пайдо бўлиши ва ўзгариши тилнинг луғат составида бевосита ўз аксини топади. Аммо, жамият тараққиёти давомида юзага келаётган барча янги тушунчалар, воқеа, ҳодисаларни ифодалаш учун тилда ҳамма вақт янги сўз яратилавермайди. Бунинг учун кўпинча тилда мавжуд бўлган сўзлардан фойдаланилади. Масалан, «кўз» сўзи дастлаб сезги органларидан бири маъносида вужудга келган бўлса, ўхшатиш орқасида «ойна кўзи», «ёғочнинг кўзи», «тиззанинг кўзи», «узукнинг кўзи» каби иборалардаги маъноларни олиб, кўп маъноли сўзга айланиб борган. Шундай қилиб, кўп маъноли сўзлар кишилик жамияти тараққиётининг, тил тараққиётининг табиий маҳсулидир.

Одатда сўзлар ўз асл маъносидан ташқари кўчма ва образли маъноларда ҳам ишлатилади. Масалан, «Ишнинг кўзи», «Оталар сўзи ақлнинг кўзи» ва ҳоказолар.

Сўзлар орқали ҳис-туйғулар ҳам ифодаланади. Демак, сўзлар эмоционаллик ва экспрессивлик хусусиятларига ҳам эга бўлади. Ҳатто интонация ҳам сўз маъноси-

¹ В. И. Ленин. Философские тетради. Госполитиздат, 1947, 262-бет (таржима бизники).

ни ўзгартириши мумкин. Масалан, «космонавтларимизга балли» деганимизда «балли» сўзи ўз ижобий маъносида ишлатилган. Аммо шу «балли» сўзи маълум интонация билан талаффуз этилса, кинояни билдириши ҳам мумкин.

Кўп маъноли сўз нутқда, ҳар бир конкрет ҳолда ўзининг маълум бир маъносида ишлатилади, яъни бир маъноли сўз сифатида реаллашади. Ҳар бир айрим ҳолда сўзнинг қандай маънода ишлатилганлиги контекстан, бирикмадан англашилиб туради. Масалан, «кўкдаги юлдузлар» деганда «кўк» сўзи осмонни билдиради. «Овқатга кўк солмоқ» деганда «кўк» сўзи овқатни хушхўр қиладиган турли ўтларни билдиради. «Кўк сув» бирикмасида «кўк» сўзи рангни ифодалайди. «Кўк киймоқ» иборасида эса «кўк» сўзи маълум тусдаги кийим маъносини билдиради ва ҳоказо¹.

Термин эса чекланганлиги, яъни бир маънолилиги туфайли махсус контекстда ҳамма вақт ўз маъносини сақлайди. У эмоционаллик ва экспрессивлик хусусиятларига ҳам эга эмас. Ҳеч қандай интонация термин маъносини ўзгартира олмайди.

Терминнинг бир маънолилиги ҳақидаги талаб баъзан англашилмовчиликларга сабаб бўлади, чунки термин сўз сифатида умумий адабий тилда кўп маънода ишлатилиши ҳам мумкин. Айрим терминлар ҳатто, умумий адабий тилдаги кўп маъноли сўз негизида вужудга келади. Масалан, «операция» сўзи рус тилининг умумий изоҳли луғатларида бир неча маънода берилади. «Кесим» сўзи техник чизмачиликда «сечение» маъносини, грамматикада «сказуемое» маъносини, умумий адабий тилда эса «бўлак, парча» маъносини (бир кесим нон) билдиради. Шунга кўра, «операция», «кесим» сингари сўзларни кўп маъноли термин дейиш мумкинми? Йўқ, албатта.

Масала шундаки, терминнинг бир маънолилиги (мо-

¹ Шунинг ҳам эслатиб ўтиш керакки, сўзларнинг маъно донраси кенгайиб борган сари, уларнинг айрим маънолари баъзан бир-биридан узоқлашиб, мустақил сўзларга (омонимларга) айланиб боради. Шунинг учун академик В. В. Виноградов «Сўзларнинг семантик чегараси омонимдир», дейди. Лекин бизнинг мисолимиздаги «кўк» сингари сўзларнинг маънолари, омонимларга ажралган ёки ажралмаганлигидан қатъи назар, контекстан ташқари ҳеч вақт реаллаша олмайди. Бинобарин, кўп маъноли сўзнинг ҳар бир маъноси фақат контекстда реаллаша олгани ҳақидаги мулоҳаза омонимлар учун ҳам тааллуқлидир.

носемантиклиги) тўғрисида сўз борар экан, ҳамма вақт унинг маълум терминологик системага мансублиги кўзда тутилади. Маълумки, ҳар бир соҳанинг ўзига хос тушунчалари бўлади. Шу тушунчалар мажмуи шу соҳанинг тушунчалари системасини ташкил қилади. Унга мос терминлар мажмуи эса шу соҳанинг терминологик системасини, бошқача қилиб айтганда терминологиясини ташкил қилади.

Демак, терминология тор маънода маълум бир соҳага оид махсус лексикадир. Кенг маънода эса, терминология умумий лугат составининг айрим соҳаларда ишлатиладиган қисмидир.

Бир терминологик системада битта термин битта тушунчани ифодалаши мумкин. Масалан, химияда «эриш» сўзи қаттиқ жисмларнинг қизитилганда суюқ ҳолга келишини ва қаттиқ жисмнинг суюқликда (масалан, қанднинг сувда) эришини ифодалаши мумкин эмас, чунки бу англашилмовчиликка сабаб бўлади. Ваҳоланки, умумий адабий тилда ҳар иккала тушунча «эриш» сўзи билан ифодаланади (муз эриди, қўрғошин эриди, қанд чойда эриб кетди) ва ҳеч қачон англашилмовчилик туғилмайди. Шунингдек, «суюлтириш» сўзи билан ҳам «плавление», «разбавление», ҳам «сжижение» тушунчаларини ифодалаш ёки машинасозлик технологиясида бир-бирига яқин «наладка», «настройка» ва «регулировка» тушунчаларини битта «созлаш» сўзи билан ифодалаш албатта англашилмовчиликларга олиб келади.

Демак, термин маълум бир терминологик системанинг аъзосидир ва шу терминологик системада биргина маънога эга бўлиши мумкин. Шундай қилиб, терминни қуйидагича таърифлай оламиз: термин маълум бир соҳада (ёки маълум бир терминологик системада) аниқ бир маънога эга бўлган сўзdir. Баъзилар маълум бир сўзнинг термин бўлиши учун унинг қўлланиш доираси бирор соҳа билан чекланиши шарт эмас, балки маъносининг чекланиши шарт, яъни маълум бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ва сўз бирикмалари термин бўлаверади, дейдилар¹. Бу тўғри эмас, чунки тилда маълум тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўзлар кўп. Улар фақат бирор терминологик

¹ Қ. Н. М а м а т о в, Термин ва унинг таърифи ҳақида «Ўзбек тили ва адабиёти», № 1. 1966, 68-бет.

система аъзоси сифатида қаралгандагина термин бўла олади.

Ҳар қандай термин бир терминологик системага мансуб бўлиши билан бирга сўз сифатида тилнинг бойлиги ҳамдир. Терминология умумхалқ тилининг лексикаси негизида вужудга келади ва бойийди. Ўз навбатида у умумхалқ тилининг бойиши учун хизмат қилади. Терминологик лексика умумхалқ тили лексикасининг ажралмас қисми сифатида у билан бирга ривожланади, жамият ва тил тараққиётидаги барча процессларни бошдан кечиради.

Дастлаб маълум бир соҳада вужудга келган термин бора-бора оммалашуви ва ҳатто умумий адабий тилда янги-янги маънолар касб этиши мумкин. Бу жиҳатдан баъзан термин билан сўзни аниқ чегаралаб ҳам бўлмайди. Масалан, «бош», «қўл», «кўз» сингари сўзлар умумий адабий тилда «оддий» ва кўп маъноли сўзлардир, анатомияда эса, булар махсус терминлардир. Ёки «электр», «радио», «телевидение», «машина», «космос», «ракета» сингари терминларни олайлик. Бу терминлар аллақачон тор ихтисос доирасидан чиқиб, умумий адабий тилда ҳаммага маълум, оммалашган сўз бўлиб қолди. Шунга кўра терминлар «кенг қўлланиладиган» ва «тор ихтисос доирасида қўлланиладиган» терминлар деб бир-биридан фарқланади. Халқнинг умумий маданий савияси кўтарилган сари умумий адабий тилда кенг қўлланиладиган терминлар салмоғи ошиб боради.

Терминлар жамият тараққиёти жараёнида, тил тараққиёти жараёнида янги маънолар олиб, кўп маъноли сўзга айланиб бориши билан бирга, барқарор бирикмалар, идиоматик иборалар таркибига кириб ҳам оммалашиб боради. Масалан, «бўёқчининг нилими», «бўзчининг моқисидек югурмоқ», «танда қўймоқ», «эшикнинг турмини бузмоқ», «бўзчи белбоққа ёлчимас», «чиппакка чиқди», «узукка кўз солгандай бўлди», «зар қадрини заргар билади» сингари иборалар умумий адабий тилда терминлардан фойдаланиш асосида юзага келган. Гарчанд бу бирикмалардаги айрим терминлар (нил, моки, танда, чиппак) унча оммалашмаган бўлса-да, ибораларнинг маъносини билмайдиган, улардан кенг фойдаланмайдиган кишиларни топиш жуда қийин. Ҳозирги фан-техника терминологиясида ҳам бундай мисолларни кўплаб топиш мумкин.

Термин, умумий адабий тилда маъно доирасини кен-

гайтиргани билан, терминологик системада ўзининг моносемантиклик (бир маънолилик) хусусиятини йўқотмайди. Бошқача қилиб айтганда, термин маълум бир терминологик системанинг аъзоси сифатидагина бир маъноли сўздир, умумий адабий тилда эса, у ҳар қандай сўз сингари, турли маъноларда ишлатила олади.

Умумий адабий тилда, кундалик нутқда сўзнинг кўп маънолилиги (полисемантиклиги) кишиларнинг бир-бирларини тушунишларига сира ҳам халал бермайди, бадий адабиётни ва умуман ёзма асарларни ўқиш ва тушунишни қийинлаштирмайди. Аксинча сўзнинг кўп маънолилиги тилнинг бойлигидир. Кўп маъноли сўзлар тилнинг ифода қувватини оширади, ҳар қандай нозик фикрларни ҳам ифодалаш имкониятини беради. Терминологияда эса терминнинг кўп маънолилиги кишиларнинг бир-бирларини тушунишларини қийинлаштиради, ўқиш-ўқитиш процессларини мураккаблаштиради, фан ва техника ютуқларини оммага етказишда маълум даражада халал беради.

Айтилганларнинг тасдиқи учун бир неча мисол келтириш kifoya.

Биргина «асбоб» сўзи турли соҳаларда, турли авторларнинг ишида, баъзан эса, бир соҳа ёки бир ишнинг ўзида «инструмент», «приспособление», «прибор», «принадлежность», «орудие», «снаряд», «снаряжение» каби маъноларда учрайди. Масалан, беш томли «Русча-ўзбекча луғат»да инструмент «асбоб, қурол» деб, хирургические инструменты «хирургия асбоблари» деб, измерительные инструменты «ўлчов асбоблари» деб таржима қилинган. Приспособление ҳам «асбоб мослама» деб олинган. Приспособление для автоматической смазки машин, прицельное приспособление бирикмалари «машиналарни автоматик суратда мойлайдиган асбоб», «мўлжалга олиш асбоби» тарзида таржима қилинган. Прибор сўзига ҳам «асбоб» сўзи эквивалент қилиб берилган. Измерительный прибор, «ўлчов асбоби» деб, приборы наблюдения «кузатиш асбоблари» деб берилган. Принадлежность сўзига ҳам «жиҳоз», «ашё», «буюм» сўзлари қатори «асбоб» сўзи эквивалент сифатида келтирилган. Орудие «қурол, асбоб» дейилган, сельскохозяйственные орудия «қишлоқ хўжалик асбоблари» дейилган. Снаряд «снаряд, асбоб», снаряжение «керак-яроғ, қурол-яроғ, аслаҳа-анжом, асбоб» дейилган.

Тўғри, умумий таржима луғатларида эквивалентларнинг ўрни билан такрорланиши маълум даражада мақсадга мувофиқдир. Лекин терминологияда ва терминологик луғатларда бир сўзнинг турли маъноларда ишлатилиши ўринли эмас. Дарҳақиқат, ўзбек тилида «олат», «қурол», «мослама», «яроғ», «жиҳоз» каби сўзлар бўлгани ҳолда «асбоб» сўзига бунчалик кўп вазифа юклаш қанчалик тўғри? Бундан ташқари, «инструмент», «снаряд» каби сўзларнинг ўз ўрнида ўзлаштирилиши ҳам «асбоб» сўзининг терминологик маъносини чеклашга имкон беради.

Худди шунингдек, «даража» сўзи ҳам «градус», «деление», «уровень», «степень» маъноларида учрайди. «Парма» сўзи «сверло» ва «бур», «пармалаш» сўзи эса «сверление» ва «бурение» маъноларида қўлланилади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қўраимизки, кўп маъноли (полисемантик) терминлар, асосан, ўзбек тилида азалдан мавжуд бўлган терминларни янги-янги терминологик маъноларда ишлатиш орқасида вужудга келади. Масалан, «занжир» сўзи ўзининг азалий «цепь» маъносидан ташқари, баъзан гусеница маъносига ҳам қўлланилади.

Ўзбек тилида азалдан мавжуд бўлган ва ўз вақтида маҳаллий ҳунармандлик саноати техникасининг тушунчаларини ҳеч шубҳасиз ифодалай олган терминлар ҳозирги замоннинг тобора ривожланиб бораётган фан ва техникасига оид бир-бирига яқин бир неча тушунчани ифодалай олмайди, албатта. Чунончи, металлар технологиясида «закалка», «отпуск» ва «отжиг» сўзлари пўлат буюмларни қиздириб совитиш йўли билан уларнинг механик хусусиятларини яхшилашдан иборат термик ишлов процессларининг номларидир. Бу процесслар турли шароитда турли мақсадларни кўзлаб ўтказилади ва бир-биридан кескин фарқ қилади. Юзаки қараганда бир-бирига яқин туюладиган бу тушунчаларнинг учаласини ўзбек металлсозлари лексикасида азалдан маълум бўлган биргина «тоблаш» термини ифодалай олмайди. «Тоблаш» фақат «закалка» тушунчасини ифодалаши мумкин. «Отпуск» ва «отжиг» тушунчаларини ифодалаш учун эса ўзбек тилида бошқа терминлар топиш ёки шу терминларнинг ўзини қабул қилиш керак. Бу ва бу сингари ҳолларда бир-бирига яқин бир неча тушунчани битта мавжуд термин билан ифодалашга

уриниш, битта терминга бир нечта семантик вазифа юклаш ҳамма вақт кўп маъноли терминларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бундан ўзбек тилидаги мавжуд терминлардан фойдаланиб бўлмайди, деган хулоса чиқмайди, албатта. Аксинча, ўзбек тилининг терминологик бойлигини тўплаш ва мавжуд терминлардан энг мувофиқ ўринларда фойдаланиш терминология ишининг муҳим вазифаларидан биридир.

Терминларнинг кўп маънолилиги (полисемия) каби синонимия (бир терминологик маънода бир неча параллель терминларнинг ишлатилиши) ҳам терминологиянинг катта нуқсонларидан биридир. (Ўзбек тили терминологиясида синонимик, параллель, дублет терминларнинг қандай йўллар билан юзага келиши тўғрисида қуйида алоҳида тўхтаб ўтамиз).

Терминологияда полисемия ва синонимия сингари омонимия (яъни бошқа-бошқа терминологик маънодаги шаклдош сўзлар) ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Агар умумий адабий тилда синонимия, омонимия ва полисемия тилнинг бойлиги бўлса, терминологияда бу ҳодисалар турли чалкашлик ва англашилмовчиликларга сабаб бўладиган нуқсонлардир.

Термин маъно жиҳатидан аниқ бўлиши, яъни тушунчанинг моҳиятини ёки энг асосий белгиларини аниқ ифодалаши керак. Масалан, «юқориги ўлик нуқтаси, «пастки ўлик нуқтаси» деган терминлар аниқ терминлар эмас. Сабаби шуки, кривошип-шатун механизмларнинг чекка ҳолатларида ҳаракат ўлмайди, балки бирон тўхтаб. йўналишини ўзгартиради. Шу сабабли бу нуқталарни «туриш нуқтаси» деб аташ аниқроқ бўлади.

Термин тузилиш жиҳатидан ихчам, қисқа ва қулай бўлиши керак. Масалан, рус тилидаги қисқагина «трудоемкий» термини ўрнида ўзбек тилида шу маънони берадиган «сермеҳнат» термини бўлгани ҳолда, узундан-узоқ «кўп меҳнат талаб қиладиган» бирикмасини ишлатиш ноқулай. Ўзбек тилида юқоридагиларга ўхшаш узун, ноқулай ва ноаниқ терминлар қисман ёрдамчи сўзлардан ўринсиз фойдаланиш натижасида вужудга келади. Масалан, «совуқлайин», ўрнига «совуқ ҳолда», «занжир реакция» ўрнига «занжирсимон реакция», «термик ишлаш» ўрнига «термик усул билан ишлаш» дейилади ва ҳоказо. Рус тилидаги ихчам «трактор ЧТЗ» сингари терминлар ўзбек тилида «ЧТЗ маркали трак-

тор», «ЧТЗ номли трактор», «ЧТЗ типдаги трактор», «ЧТЗ деган трактор» ва ҳоказо шаклларда учрайди. Ваҳоланки, ўзбек тилида ҳам «ЧТЗ трактори» ёки «трактор ЧТЗ» дейилса, техника тили анча ихчамлашади.

Термин системали бўлмоғи керак. Бунинг маъноси шуки, бир турдаги тушунчаларни ифодаловчи терминлар мумкин қадар бир типда ясалиши зарур. Масалан, ишоти ясовчи — «лаш» аффикси ёрдамида ясалган «пармалаш станог», «рандалаш станог», «фрезерлаш станог», «силлиқлаш станог» қаторида «лик» аффикси ёрдамида ясалган «токарлик станог» системали термин эмас. Уни ҳам «йўниш станог» дейиш тўғрироқ бўлар эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, тилда терминларни қўлланишдан асосий мақсад ҳар қандай мураккаб фикрни ихчам, осон ва тушунарли ифодалаш, шу йўл билан фикр алмашинув процессини осонлаштиришдир. Дарҳақиқат, «сермеҳнат» мисолидаги каби термин ўрнига шу термин билан ифодаланган тушунчанинг узундан-узоқ таърифи ишлатилса, фикр ва тушунчаларнинг ифодаси узайиб, мураккаблашиб, фикр алмашинув жуда ҳам қийинлашади. Геометрияда «радиус» термини ўрнига «айлананинг исталган нуқтасидан шу айлана марказигача бўлган масофа» деган таъриф ишлатилса, геометрияни ўқиш-ўқтиш қанчалик қийинлашувини тасаввур қилиш қийин эмас. Демак, термин тилни ихчамлаштиради, фикр алмашинув процессида катта қулайлик туғдиради.

Айтилганлардан англашиладики, термин номинатив (яъни аташ) функциясидан ташқари, коммуникатив (яъни алоқа) функциясига ҳам эга. Терминнинг коммуникатив функцияси тилнинг функциясидан келиб чиқади, чунки, «Тил кишларнинг энг муҳим алоқа воситасидир»¹ Терминология эса, тил лексикасининг таркибий қисмидир. Ф. Энгельс тилнинг функцияси тўғрисида бундай дейди:

«... Онг-фикр сингари тил ҳам фақат бошқа кишилар билан алоқа қилиш зарурати орқасида, шунга бўлган зўр эҳтиёж орқасида вужудга келади»².

Равшанки, термин ҳам худди шу мақсад учун хизмат қилмоғи керак, чунки термин ҳар қандай сўз сингари

¹ В. И. Ленин. Асарлар. 20-том 425-бет.

² К. Маркс, Ф. Энгельс, Сочинения. 4-том, 3—4-бетлар (таржима авторинки).

тилнинг ифода воситасидир. Термин ўзининг асосий номинатив ва коммуникатив функциясини тўла бажариш учун бекам-қўст, ҳар қандай нуқсондан холи бўлмоғи зарур. Шунинг учун ҳам терминологияга ва терминология ишига катта аҳамият берилади.

II. ТЕРМИНОЛОГИЯ ИШИНING МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. ТИЛ ВА ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ БОЙИШ ИЎЛЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ

Ҳўш, терминология иши нима, унинг мазмуни нималардан иборат ва у қандай ташкил этилиши керак?

Юқорида терминология бир соҳа тушунчаларига мос терминлар системасидир, деган эдик. Шу жиҳатдан терминология тегишли соҳанинг ажралмас қисмидир ва шу соҳа мутахассислари томонидан бамаслаҳат яратилади. Ҳар соҳанинг билим тушунчалари доираси, билим-тушунчалари бойлиги шу соҳа терминологиясида ўз аксини топади. Бинобарин, терминология ўз соҳаси билан бирга ривожланади, унда юз бераётган ўзгаришларни кўзгудек акс эттириб туради.

Маълумки, фан, техника ва умуман билим ва инсон фаолиятининг барча соҳалари узлуксиз тараққий этиб туради. Шундай экан, терминология ҳам узлуксиз ўзгариб, ривожланиб боради. Бу процесс давомида терминологияда турли нуқсонлар юз бериши, ҳатто у ўз соҳасининг талабларига жавоб беролмай қолиши мумкин.

Демак, терминология ишининг асосий мазмуни ҳар бир соҳа терминологиясини шу соҳа тараққиёти талабларига жавоб бера оладиган савияда сақлашдан иборат. Кўрамизки, терминология иши кампания тусида ўтказиладиган вақтли иш эмас, балки доимий ва узлуксиз ишдир. Ҳатто терминологияси маълум даражада қарорлашган, стабиллашган тилларда ҳам ана шундай доимий ва узлуксиз иш олиб борилади. СССР Фанлар академияси ҳузурида Техника Терминологияси Комитетининг мавжудлиги айtilганларнинг ёрқин далилидир. Бундай иш айниқса фан ва техниканинг турли тармоқларига оид терминология Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин вужудга келган ва барқ уриб ривожланган тиллар учун зарурдир. Совет Иттифоқидаги кўп миллий тиллар,

шу жумладан ўзбек тили ҳам, ана шундай тиллардандир.

Ўзбек тили фан-техника терминологияси соҳасидаги ишлар аввало тилда ишлатилиб турган терминларни тўплаш, ўрганиш ва уларнинг камчиликларини аниқлашдан бошланиши керак. Шундан кейингина ҳар бир тушунча учун энг мувофиқ термин танлаб олинади. Бунда ҳар бир термин ўзи ифодалаган тушунчага мос бўлиш учун ҳар бир соҳа тушунчалари тўплаб олиниши, системага солиниши ва классификация қилиб чиқирилиши, тушунчанинг ўзи эса аниқ таърифланиши керак. Демак, терминологияни тартибга солиш иши бир неча босқичдан иборат бўлиши зарур. СССР Фанлар академияси ҳузуридаги Техника Терминологияси Комитетида терминология иши худди шундай ташкил этилган. Бу Комитетнинг «Памятная записка для работающих по упорядочению научно-технической терминологии» номли йўлланмасида ҳар соҳа бўйича терминология ишини олти босқичда олиб бориш тавсия этилади.

I босқичда терминология ишининг программаси тузиб олинади.

II босқичда адабиётда, расмий ва ишлаб чиқариш ҳужжатларида ишлатилиб турган ва тартибга солиниши зарур бўлган терминлар аниқланади ва тўпланади.

III босқичда тўпланган материал системага солинади. Бунда тўпланган терминларнинг ҳар бири билан ифодаланган тушунча анализ қилинади, терминологияда синонимлар борлиги аниқланади, шунингдек, тегишли соҳа тушунчалари классификация қилиб чиқилади. Бу босқичда олиб борилган иш натижасида сўзлик ва зарур классификацион схемалар тузилади.

IV босқичда ҳар бир тушунчанинг моҳияти аниқланади ва у аниқ таърифлаб олинади.

V босқичда тушунчаларнинг таърифига асосан мавжуд терминлар ўзлари ифодалаган тушунчага қанчалик мослигига баҳо берилади ва улардан энг мувофиқлари танлаб олинади. Ҳали термин билан ифодаланмаган тушунчалар учун эса янги термин яратилади.

Шундан кейингина тавсия этилаётган терминология проекти тузилиб, муҳокама учун кенг жамоатчиликка тарқатилади.

VI босқичда муҳокама давомида тўпланган фикр-

ларни ҳисобга олиб, термин ва таърифларнинг ками-кўс-ти тузатилади, шундан кейингина терминология тасдиқ-ланади ва қўллаш учун тавсия этилади.

Шуни эътироф қилиш керакки, ўзбек тили терминологиясини тартибга солиш борасида Терминология Комитети йўлланмасида кўрсатилганидек иш олиб борилаётгани йўқ. Ҳозир ўзбек тилида фан ва техниканинг турли соҳалари бўйича кўпгина илмий муассаса, олий ўқув юртлари ва нашриётларда, шунингдек, айрим ташаббускорлар томонидан терминология луғатлари тузилмоқда. Аммо бу луғатлар Терминология Комитети йўлланмасида кўрсатилган олти босқичда диққат ва матонат билан олиб борилган ишнинг маҳсули бўлган тақдирдагина терминологияни тартибга солиш ишига яхши хизмат қила олади. Йўлланмада луғат тузиш том маънодаги терминология ишининг ўрнини боса олмайди, деб бежиз айтилмаган.

Ўзбек тили терминологияси соҳасида олиб борилаётган ишнинг асосий камчилиги ҳам шундаки, бизнинг тажрибамизда терминология иши босқичдан-босқичга ўтиб олиб борилмасдан, тўғридан-тўғри терминология луғати тузишдан бошланади. Ҳатто Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти ҳузурида тузилган махсус терминология секторида ҳам фан ва техниканинг ҳамма соҳалари бўйича ишни Терминология Комитети тавсия қилгандек ташкил этишга етарли имкон йўқ.

Тўғри, миллий тиллар терминологиясини тартибга солишда Терминология Комитетида олиб борилган ишни такрорлаш мутлақо шарт эмас. Комитетда бажарилган ишлардан, айниқса эълон қилинган луғатлардан, терминларнинг классификацион схемалари ва таърифларидан барча миллий тилларда тайёр материал сифатида фойдаланилиши керак. Бу миллий тилларда терминология ишини анча осонлаштиради ва унификациялаштиради. Лекин ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, маълум илмий ва амалий тайёргарлик кўрмасдан, истеъмолдаги терминларни тўпلامасдан (картотека тузмасдан) ва уларнинг камчиликларини ўрганмасдан ва шунингдек, ҳар бир соҳа тушунчалари чегарасини аниқлаб олмасдан (программа тузмасдан) терминология луғатлари тузиш кутилган натижаларни бермайди. Ҳатто битта термин ҳам ана шундай тартибда танланиши керак.

Чунончи, юқорида кўрсатилган «наладка», «настройка» ва «регулировка» терминларини ёнма-ён қўймасдан, уларни металллар технологиясининг бошқа терминлари билан боғламасдан термин танланса, ўзбек тилида шу тушунчаларни ифодаловчи «созлаш», «ростлаш», «тўғрилаш» ёки «регулирлаш», «регулировка қилиш» ва бошқа терминларни ишлатишда бошбошдоқлик, хилма-хиллик давом этаверади.

Луғат тузиш терминология ишининг ўрнини боса олмаслигини тажриба ҳам тасдиқлайди. Дарҳақиқат ўзбек тилида кўпгина терминология луғатлари майдонга келганлигига қарамай, терминологиямизнинг камчиликлари ҳозиргача бартараф қилинмай келади. Фикримизнинг тасдиқи учун ўзбек тили терминологияси соҳасида энг сўнгги вақтда (1966 йили) юзага келган Ўзбек Совет Энциклопедияси сўзликларидан бир неча мисол келтирамиз. «Тарих сўзлиги»да хатти меҳи тарзида берилган термин «Математика сўзлиги»да миххат шаклида берилган. «Физика сўзлиги»да «крутящий момент» маъносидаги термин «айланма момент» ва «буриш моменти» тарзида икки хил берилган, «ўлчам» ва «ўлчов» терминлари «мера», «измерение» ва «размер» терминларининг эквиваленти сифатида қориштириб юборилган. «Математика сўзлиги»да аллақачон ўзлашиб кетган «мукаммал сонлар» термини ўрнига «такомил сонлар» тавсия этилган, «ватар» ўрнига «хорда» дейилган, «каррали интеграл» ўрнига «такрор интеграл» дейилган, «узлукли функция» ўрнига узилувчи функция, «логарифмик линейка» ўрнига «логарифмик чизғич» дейилган.

Сўзликда жуда кўп дублет терминлар учрайди. Чунончи: сирт-сатҳ; зарб-зарба; зарбали тўлқин-зарбдор тўлқин; частота-такрорлик, товуш баландлиги-товуш қаттиқлиги ва ҳ. к.¹

Маълум программа асосида босқичма-босқич олиб бориладиган иш. терминнинг у ифодалаган тушунча билан, ҳар бир соҳа терминологиясининг шу соҳа тушунчалари системаси билан мослашувини таъминлаш баробарида терминларнинг адабий тил нормалари талабларига, тилининг грамматик қурилиши талабларига ҳам жавоб беришнинг таъминламоғи керак. Чунки ҳар қандай

¹ Ўзбек Совет Энциклопедияси сўзлиги, 3-т., «Физика сўзлиги», «Математика сўзлиги».

термин сўздир, бинобарин у тил қонуниятларига бўйсунishi керак. Бундан келиб чиқадики, терминология ишида тил тараққиётининг объектив перспективаларини ҳам ҳисобга олиш зарурдир.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, терминология иши билан доимий ва узлуксиз шуғулланувчи, бу ишни илмий асосларга қўювчи ва координация қилувчи муайян марказий органнинг йўқлиги орқасида нашр этилган ва тузилаётган терминология луғатларининг ўзида ҳам бир хиллик, изчиллик йўқ. Натижада нашр этилган луғатлар қутилган мақсадлар учун етарли даражада хизмат қила олмаётир.

Мавжуд терминология луғатларининг энг муҳим камчиликлари қуйидагилардир:

1. Айрим терминология луғатлари, юқорида айтиб ўтилганидек, ҳеч қандай программасиз тузилади. Натижада луғатга ҳатто шу соҳага алоқаси бўлмаган сўз ва терминлар ҳам кириб қолади. Бу эса, луғатнинг ҳажминини кенгайтиришдан ташқари, унинг ўз мақсади учун хизмат қилишига халал етказди. Масалан, Қ. З. Зокиров ва бошқаларнинг «Русча-ўзбекча қисқача изоҳли ботаника терминлари луғати»га (1963) алколоиды, аллея, аномалия, обилие, облик, пенёк, фураж сингари ботаникага оид бўлмаган терминлар ва термин бўлмаган сўзлар киритилган.

Н. Долимов ва бошқаларнинг атиги 2000 сўзли «Қисқача русча-ўзбекча географик терминлар луғати»да завод, автостроение, авиатранспорт, авиационная промышленность, автомобилестроение, автострада, алмаз, алюминий, базальт, бамбук, клён, мукомольная промышленность кабиларни учратамиз.

М. Собировнинг «Математик терминлар луғати»га шаблон, «штангенциркуль, високосный год» (кабиса йили) каби терминлар киритилган. «Шаблон», «штангенциркуль» сўзлари М. Ягудаев ва Р. Малиннинг «Физик терминлар луғати»да ҳам бор. Бу луғатда «вагон», «возникновение», «звезда», «стеклодув», «магма» сингари бошқа соҳаларнинг терминларини ҳам учратамиз. Ваҳоланки, ҳар бир соҳанинг терминология луғати асосан шу соҳанинг терминларини ёки олдиндан тузиб олинган программа чегарасидаги терминларини ўз ичига олиши керак. Бу ҳақда юқорида номи зикр қилинган «Йўлланма»да, шунингдек, Т. Г. Брянцеванинг терминология ма-

салаларига бағишланган Бутуниттифоқ кенгашидаги «Терминология луғатларининг сўзлиги ҳақида»¹ деган докладида жуда яхши фикрлар айтилган.

2. Айрим луғатлар мавжуд терминларни тўпламасдан ва етарли даражада ўрганмасдан (картотекасиз) тузилади. Натижада анчагина ўзлашган, оммалашган терминлар назардан четда қолади ёки бошқа терминлар билан алмаштирилади. Бунга юқорида «Физика сўзлиги» ва «Математика сўзлиги»дан келтирилган мисоллар далил бўла олади.

Шуни эсда тутиш керакки, терминологияни тартибга солишда ўзлашиб кетган терминлардан воз кечиш, уларни ҳеч қандай асос бўлмагани ҳолда, ҳадеб ўзгартириши терминларнинг оммалашувига, стабиллашувига ҳалал етказди. Терминлар фақат фан ва техника тараққиёти давомида улар ифодалаган тушунча ўзгарган ва бунинг натижасида термин билан тушунча зид бўлиб қолган тақдирда ёки янгидан тавсия этилаётган термин ўзлашган терминга нисбатан ҳар жиҳатдан афзал бўлган ҳолдагина алмаштирилиши мумкин. Масалан, рус тили терминологиясидаги «живая сила» термини номувофиқ бўлса ҳам, ўзлашиб кетганлиги сабабли рус тили терминологиясида ҳанузгача сақланиб келади.

Албатта, нобоп терминларнинг боп терминлар билан алмаштирилиши жуда маъқул. Лекин, «ватар», «логарифмик линейка», «узлукли функция», «вақтли қаршилик», «оний куч», «электр сифими» сингари ўзлашиб кетган терминларни «хорда», «логарифмик чизғич», «узлувчи функция», «вақт қаршилик», «он куч», «электр сифим» каби терминлар билан алмаштириш ўринсиздир. Чунки, биринчидан, бу терминларнинг истемолдаги варианти тилда аллақачон ўзлашган, иккинчидан улар тил ва терминология талабларига тўлиқ жавоб беради, учинчидан, янгидан тавсия этилаётган терминлар истемолдаги терминларга нисбатан ҳеч қандай афзалликка эга эмас.

3. Ниҳоят терминология луғатларининг яна бир муҳим камчилиги термин билан сўзни фарқ қилмасликдир. Маълумки, терминлар асосан отлар бўлиб, бошқа сўз туркумлари фақат қўшма ва составли терминлар таркибида қатнашади ва бош сўз сифатида терминология

¹ «Вопросы терминологии», М. 1961, 84—87-бетлар.

лугатларига киритилмаслиги керак. Лугатларда эса ёлғиз сифатлар ёки феълларгина эмас, балки «взять по два», «видно под углом», «полезное действие» сингари термин бўлмаган ибोलалар ҳам кўплаб учрайди. Бу эса лугатнинг ҳажмини ўринсиз кенгайтириш билан бирга унинг имкониятларини чеклайди. Натижада лугат ўз соҳасининг терминологиясини тартибга солиш учун етарли хизмат қила олмайди.

Айтилганларнинг ҳаммаси ўзбек тилида терминология ишининг етарли даражада йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради.

Айни замонда ҳаёт талаби, Ўзбекистонда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, техника ва маданиятнинг равнақи ўзбек тилида терминологик лексика салмоғини кундан-кунга ошироқда. Ҳозир ўзбек тилида фан ва техниканинг деярли барча соҳаларига оид термин ва терминологик системалар вужудга келди. Улар, асосан, таржима ва оригинал асарлар яратиш процессида юзага келмоқда.

Бироқ ўзбек тилида шу кунгача тўпланиб қолган бой терминология ва терминологик тажриба ўрганилмай ва умумлаштирилмай келаётир. Натижада умумхалқ адабий тилда мустаҳкам ўзлашган, оммалашган терминлар қаторида, терминология иши ва назариясининг терминология практикасидан, ҳаёт талабларидан орқада қолиб бораётганлиги туфайли, озми-кўпми номувофиқ (дублет, полисемантик, ноқулай, ноаниқ ва бошқа) терминлар ҳам пайдо бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан истеъмолдаги терминларни икки гурппага — тилда мустаҳкам ўзлашган, стабиллашган (барқарор) ва стабиллашмаган, (қарорлашмаган, беқарор) терминларга бўлиш мумкин.

СССР халқлари, шу жумладан ўзбек халқи ҳам, ўз адабий тили терминологиясини ривожлантиришда миллатлараро алоқа воситаси, иккинчи она тили бўлиб қолган рус тилидан ўрнак олади, ундаги мавжуд ва янгидан майдонга келаётган терминлардан ҳамда фан ва техниканинг айрим соҳаларига оид терминологик системалардан фойдаланади. Ўзбек тили терминологияси барча миллий тиллар терминологияси қаторида, рус тилининг баракали таъсири остида равнақ топмоқда. Рус тилидан ва рус тили орқали ўзлаштирилган машина, машинист, поршень, шатун, двигатель, электромаг-

нит, реактив самолёт сингари совет-интернационал терминларнинг деярли барчаси барқарор терминлардир.

Ўзбек тилида азалдан мавжуд бўлган ва тегишли терминологик системада муайян терминологик маъно олган темир, пўлат, чўян, искана, ранда, ғилдирак, тўғин гупчак, буғ, қозон, тиш сингари терминлар, шунингдек, ўзбек тили қондаларига асосан ясалган қотишма, мослама, узатма, тезлик, тезланиш, самолётсозлик, машинашунослик, ёқилғи, ёнилғи, буғ қозон, кескир пўлат, металлурги совуқлайин ишлаш сингари терминлар ҳам қарорлашган терминлар жумласига киради.

Қарорлашмаган терминларнинг қандай йўллар билан юзага келишини аниқлаш учун ўзбек тилида терминларнинг асосий яратилиш йўлларини кўриб ўтамиз. Улар қуйидагилар:

1. Ўзбек тилида азалдан мавжуд бўлган ёки араб, тожик тилларидан ўзлаштирилган терминлардан азалий ёки янги терминологик маънода фойдаланиш (масалан, от, сифат, эга, куч, қувват, ҳаракат ва бошқалар).

2. Ўзбек тилида азалдан мавжуд бўлган ёки араб, тожик тилларидан ўзлаштирилган сўзлардан терминологик маъноларда фойдаланиш (масалан, бармоқ, тирсак, ўзак, бошмоқ, бурчак, ёй ва ҳ. к.).

3. Ўзбек тили имкониятларидан фойдаланиб (аффиксация ёки композиция йўли билан) янги терминлар яшаш.

4. Рус тилидан терминларни ўзгаришсиз қабул қилиш (масалан: энергия, станция, анод, катод, рента, капитал, капитализм, социализм, ва ҳ. к.).

5. Рус тилидан терминларни ўзгартириб қабул қилиш (масалан, объектив, реакцион, нормал, геометрик ва ҳ. к.).

6. Рус тилидаги мавжуд терминларга тақлидан ўзбек тилида термин яшаш (калькалаш) (масалан, солиштирма оғирлик, айланма ҳаракат, ишлаб чиқариш, ярим ўтказгич ва ҳ. к.).

Рус тилидан ва рус тили орқали ўзгаришсиз ёки ўзгартириб олинган шунингдек уларга тақлидан ясалган терминлар орасида мустаҳкам ўзлашмаган, қарорлашмаган терминлар камдан-кам. Лекин тайёр терминларни қабул қилиш ва уларга тақлидан термин яшашда ҳам қийинчиликлар, хилма-хилликлар йўқ эмас.

Баъзан қабул қилинган ёки тақлидан ясалган термин

билан ўзбек тилида ясалган ёки мавжуд бўлган термин параллел қўлланилади. Натижада лойиҳа — проект; температура — ҳарорат; сумба — бородок; буғ — пар; буғ машина — пар машина сингари параллел (синоним) терминлар вужудга келади. Айрим ҳолларда бундай параллел терминлардан бири истеъмолдан қолиб, иккинчиси тилда мустақкам ўрнашади. Чунончи маневала, муваллидилмо, муваллидилхамуза, мухандис, моддачилик ана шундай терминлар жумласидандир. Уларнинг ўрнини ҳозир ричаг, водород, кислород, инженер, материализм терминлари мустақкам эгаллаган.

Айрим ҳолларда параллел терминлар маъно ёки қўлланиш доираси жиҳатидан дифференциаллашади. Чунончи, режа сўзи билан план сўзи дифференциаллашиб биринчиси умумий адабий тилда ҳар қандай мўлжални, иккинчиси эса, иқтисодий тушунчаларни билдирадиган бўлиб қолди. Худди шунингдек, дастгоҳ сўзи ҳар қандай станокни эмас, балки фақат ҳунармандлар станогини билдиради, замонавий саноат станокларига нисбатан эса фақат «станок» сўзи ишлатилади.

«Қувур» сўзи бизнинг тасаввуримизда сопол трубалар билан боғланган, шунинг учун ҳозирги замон техникасининг турли-туман трубалари ҳақидаги тушунчани ифодалай олмайди.

Ёки, арава ўқини ва «ўқ» сўзини ким билмайди дейсиз. Лекин ҳозирги замон машина ва механизмларининг сиртдан қараганда оддий тасаввуримиздаги ўққа ўхшаш қисmini ҳамма вақт «ўқ» сўзи билан ифодалай олмаймиз. Фақат юк кўтариб турадиган ўқлар техникада «ось» яъни «ўқ» деб, юкдан ташқари бурувчи куч (момент) ўтказадиган ўқлар эса, «вал» деб аталади. Бинобарин «ўқ» сўзи фақат «ось» сўзига адекватдир ва шу маънода термин сифатида қабул қилиниши мумкин. Ўзбек тилида «вал» маъносини ифодаловчи сўз йўқ. Шунинг учун бу термин таржима қилинмасдан ўзича қабул қилинган.

«Қувур» ва «ўқ» мисолларида терминларнинг конкретлашувини, дифференциациялашувини кўрамиз.

Аммо кўп терминлар бир ҳуқуқда параллел ишлатилмоқда. Масалан, форма — шакл; форма — қолип; шаблон — андаза; суръат — темп ва ш. к. Албатта умумий адабий тилда форма ҳам, шаблон ҳам, андаза ҳам суръат ҳам, темп ҳам ўрнида ишлатилаверади. Бундай синонимларнинг кўпайиши тилнинг бойиш йўлларида бири-

дир. Лекин терминологияда уларнинг кўпайиши терминологиянинг бойишига эмас, балки чалкашувига олиб келади. Шу сабабли бундай терминларни узил-кесил қарорлашган терминлар деб бўлмайди.

Параллел терминлар баъзан ўзбек тилида мувофиқ термин мавжуд ёки ясалиши мумкин бўлгани ҳолда ўринсиз янги термин ишлатиш натижасида юзага келади. Бу ҳодиса айниқса сўзлашув тилида кўпроқ учрайди. Бу жиҳатдан автотрактор терминологияси характерлидир, чунки шофер ва механизаторлар аллақачон (ўзбек тилида дарслик ва қўлланмалар йўқ вақтларда) русча автомобиль ва трактор терминологиясини ўзлаштириб олганлар. Сўзлашувда улар ҳозир ҳам шу терминлардан фойдаланадилар. Шунга кўра баъзи авторлар шофер ва тракторчиларнинг оғзаки нутқидаги терминларни ёзма адабиётга ҳам кўчирадилар. Чунончи Ўзбекистон давлат нашриёти чиқарган «Тракторлар»¹ китобида ва «Олий ва ўрта мактаб» нашриёти чиқарган «Машинашуносликдан қўлланма»² дарслигида қуйидаги параллел терминлар учрайди:

Рус тилидаги оригиналда	„Тракторлар“ китобида	„Машинашунослик“ дарслигида
Коленчатый вал	Коленчатий вал	Тирсакли вал
Поршневой палец	Поршень пальци	Поршень бармоғи
Поршневое кольцо	Поршень кольцоси	Поршень ҳалқаси
Шатунная головка	Шатун головкаси	Шатун каллаги
Кулачок	Кулачок	Муштча

Шу муносабат билан қандай ҳолларда терминлар ўзича олинини, қандай ҳолларда таржима қилинниши мақсадга мувофиқроқ, деган савол туғилади.

Албатта, ҳамма терминлар ўзича олинини керак деб қараш ҳам, таржима қилинниши керак деб қараш ҳам масалага бир томонлама, формал ёндашиш бўлар эди.

Ф. Энгельс «...аксари умум қабул қилган илмий-техник терминлардан иборат зарур ажнабий сўзларни таржима қилиб бўлганда эди, уларга зарурат бўлмасди.

¹ Тошкент, 1955.

² Тошкент, 1958.

Демак, таржима маънони бузади, англатиш ўрнига чалкашлик туғдиради» деб ёзди¹. Равшанки, бу ерда гап ҳамма термин устида эмас, балки муайян бир тилда юзга келган ва бошқа тилга тажрима қилиб бўлмайдиган терминлар устида боради. Масалан, *поршень*, *шатун*, *вал*, *болт*, *гайка*, *двигатель* сингари терминларни ўзбек тилига таржима қилишга уриниш бухуда ҳаракат бўлар эди. Аммо, икки тилда мустақил равишда вужудга келган, ҳар жиҳатдан тенг (адекват) терминлар бошқа гап. Масалан, «колесо» ва «ғилдирак» сўзлари рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам бир хил маънони, бир хил тушунчани ифодалайди. Аслини олганда «ғилдирак» сўзининг «колесо» маъносида термин сифатида олиниши таржима ҳам эмас. «Поршень ҳалқаси» эса таржима, тўғрироғи — калькадир. Термин таркибидаги «ҳалқа» сўзи «кольцо» сўзига адекват бўлганлиги учун «поршенное кольцо» билан «поршень ҳалқаси» ҳам адекват терминлардир.

Кўрамизки, ўзбек тилида мавжуд бўлган сўз ёки терминнинг бирор терминологик системада термин сифатида қабул қилиниши учун у, бир маъноли бўлишидан ташқари, алмаштирилаётган терминга адекват, яъни ҳар жиҳатдан тенг бўлиши ҳам керак. Масалан, ўзбек тилидаги «тирқиш» сўзи рус тилидаги «зazor» сўзига адекват эмас. Чунки «тирқиш» деганда биз деталлар орасидаги кўзга кўринадиган оралиқни тушунамиз. «Зazor» деганда эса деталлар орасидаги кўзга кўринмайдиган кичик оралиқлар тушунилади. Бинобарин, терминологияда «тирқиш» сўзи «зazor» сўзининг ўрнини боса олмайди. Шунинг учун ҳам «зazor» сўзи таржима қилинмасдан ўзича қабул қилинган.

Бу ерда терминларнинг яна бир муҳим хусусияти устида тўхтаб ўтиш ўринлидир.

Модомики, ҳар қандай термин сўз экан, унинг терминологик маъносидан ташқари, луғавий маъноси ҳам бўлади. Шу жиҳатдан терминларни уч гурппага ажратиш мумкин: 1) луғавий маъноси билан терминологик маъноси мос терминлар; 2) луғавий маъноси билан терминологик маъноси мос бўлмаган ёки зид терминлар; 3) нейтрал терминлар.

¹ Ф. Энгельс, Развитие социализма от утопии к науке, Госполитиздат, 1947, 4-бет (таржима авторники).

Биринчи гурппадаги терминлар ўзи ифодалаган тушунча ҳақида энг яққол тасаввур беради (масалан, **гилдирак, гупчак, ясси эгов, поршень ҳалқаси** ва ҳ.к.)

Иккинчи гурппадаги терминлар маълум даражада шартлидир. Масалан, **живая сила** (жонли куч) термини ҳаракатдаги жисм энергиясини (кинетик энергияни), **лошадиная сила** (от кучи) эса 75 км/сек га тенг қувватни билдиради. Бу терминларда тушунчаларнинг ҳеч қандай белгиси йўқ, чунки кинетик энергия жонли ҳам эмас, куч ҳам эмас, «от кучи» эса куч эмас, қувватдир. Бу терминлар фақат ўзлашиб кетганлиги сабабли ўзлари ифодалаган тушунча ҳақида сўз бораётганлигини билдиради.

Учинчи гурппадаги терминлар, асосан, бошқа тиллардан ўзлаштирилган терминлардир. Улар ўзлари ифодалаган тушунча билан бирга қабул қилинади, лекин ўзлаштирган тилда луғавий маънога эга бўлмайди. Масалан, **водопровод, электр, радио, телевизор, приёмник, трактор** деганда ҳамма вақт шу терминлар билан ифодаланган тушунчалар тасаввур қилинади, чунки зотан бу терминлар ўзбек тилида ҳеч қандай луғавий маънога эга бўлмаса ҳам, улар ифодалаган тушунча ҳаммага маълумдир.

Энди коленчатий вал, поршень кольцоси, поршень палеци, шатун головки, кулачок сингари терминларга қайтайлик. Бу терминлар **водопровод, электр, радио** даражасида юмалашган терминлар эмас, чунки улар фақат автомобиль ва трактор билан таниш кишиларгагина маълум. Шундай экан, автомобиль ва трактор ишига онд техник адабиётдан, фан ва техниканинг шу соҳалардаги ютуқларидан ҳаммани, барча қизиқувчиларни хабардор, баҳраманд қилиш учун луғавий маъноси терминологик маъноси билан бир ёки яқин бўлган **тирсакли вал, поршень ҳалқаси, поршень бармоғи, шатун каллаги, муштча** дейиш маъқулроқ эмасми?

Ўзбек тили имкониятлари ва қонуниятларидан фойдаланиб ясалган бундай терминларга нисбатан баъзилар уларни «ҳеч ким» тушунмайди, деб даъво қиладилар. Бу ерда «ҳеч ким», шубҳасиз ҳамма эмас, балки автомобиль ва трактор ишига алоқаси бўлган мутахассислардир. Чунки мутахассис бўлмаган кишилар учун «поршень кольцоси» ҳам, «поршень ҳалқаси» ҳам бошда бирдек нотаниш бўлади. Модомики, мутахассислар-

нинг «поршень ҳалқаси» деган сўз «поршень кольцоси» эканлигини фаҳмлаб олишларига шубҳа қилинар экан, «поршень кольцоси»ни янги ўрганувчилар тез ўзлаштириб олишларига қандай ишонч бор? Термин таркибидаги «ҳалқа» сўзи шу термин билан ифодаланган «поршень ҳалқаси» тушунчасининг ўзлаштирилишини осонлаштирмайдими?

Академик С. А. Чаплигин терминларнинг ўзлаштирилиши ҳақида бундай деб ёзади: «Ҳар бир илмий-техник тушунча... термин билан ифодаланади. Ҳар бир тушунча билан танишганда шу тушунчага мос термин эслаб қолиниши, ўзлаштириб олиниши керак, чунки кейин термин билан тушунчани (ва, аксинча, тушунча билан терминни) ҳамма вақт ўзаро боғлашга тўғри келади». Луғавий маъноси билан терминологик маъноси мос терминлар бу процессни шубҳасиз осонлаштиради.

«Поршень кольцоси» ҳам ишлатилаверса, бориб — бориб албатта ўзлашиб кетади. Лекин ўқиш-ўқитиш процессларини осонлаштириш, фан-техника ютуқларини кенг оммага етказиш ва бунда термин билан тушунчани, тушунча билан терминни боғлаш нуқтаи назаридан шубҳасиз «поршень ҳалқаси» афзалдир. Терминни тартибга солишда бу талабни ҳам ҳисобга олмасдан бўлмайди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, оғзаки нутқда, сўзлашувда ишлатилган сўз ва терминлар ёппасига адабий тилга ўтавермайди. Аввало шунинг учунки, оғзаки нутқда сўзлар кўпинча бузиб ишлатилади. Октябрь революциясидан илгари ўзлаштирилган сўзларни эсга олайлик. У вақтларда сўз ва терминлар асосан, оғзаки нутқ орқали ўзлаштирилар эди. Шунинг учун ҳам уларнинг асосий кўпчилиги сўзлашувдаги бузилган шаклида ўзлашиб қолган. Масалан: ватерпас — питирпос; страпило — истарапил; фрамуга — фрамон; мауэрлат — мурлат; косяки — кесаки; конфорка — кампирак; поднос — патнис; чайник — чойнак; банк — бонка; заклад — закалат; подряд — пудрат; подрядчик — пудратчи; клубника — қулупнай; мундштук — муштук; карта — қарта; сажень — саржин; кабак — қовоқхона ва шу кабилар.

Эндиликда ҳатто Октябрдан олдин ўзлашган сўзлар ҳам ҳозирги ўзбек адабий тили талаффузи нормаларига кўра ўзгариб, рус тилидаги талаффузга яқинлашиб бор-

моқда. Масалан, бонка эмас банк, питирпос эмас, ватерпас ва ҳоказолар. Сабаб шуки, ҳозир рус тили ўзбек халқининг иккинчи она тили бўлиб қолди. Рус тилидан ва рус тили орқали ўзлаштирилаётган сўзлар ўзбек тилида сўзлашувчилар учун ҳар икки тилда бирдек маълум бўлиб бормоқда. Иккинчидан, ҳозир сўз ва терминлар, асосан, оғзаки нутқ, сўзлашув тили орқали эмас, балки, адабий тил орқали, ёзма адабиёт, матбуот ва мактаб орқали ўзлаштирилмоқда. Ҳозирги замон фан ва техникасининг ютуқлари, социалистик маданиятимизнинг қудратли воситалари — радио, телевидение, кино, театр ва бошқалар ўзбек адабий тилининг, бинобарин, унинг тобора бойиб бораётган терминологиясининг кенг халқ оммасига ёйилишига хизмат қилмоқда. Бу шароитда терминлар қабул қилишда айрим касб эгаларининг оғзаки нутқига эргашишни тасодифий ҳол деб ҳисоблаш керак. Дарҳақиқат, ўзбек тилида пишиқ ип тайёрлаш процессининг номини билдирувчи пиши-тиш, эшиш, чийратиш, йигириш сўзлари мавжуд бўлгани ҳолда, тўқимачилар лексикасида закрутка сўзининг ишлатилиши, унинг адабий тилга киритилиши учун етарли асос бўла оладими?

Оғзаки нутқда жой зайнит, мешайт қилма, звонить қилинг, добиться қилиш керак, дом учёнихда концерт бўлди, Совет министрда кенгаш бўлди, доконсадан келаяпман, водани суви, очирт олинг сингари иборалар кўп эшитилиб турса-да, адабий тилда ҳеч вақт бундай дейилмайди ва ёзилмайди.

Халқимиз ўзбек адабий тили, унинг чексиз бойлиги ва нормалари билан бир қаторда, улуғ рус тили, унинг битмас-туганмас бойлиги ва нормаларини ҳам тобора кенг ва пухта эгаллаб бормоқда. Шундай экан, жой зайнит, мешайт қилма сингариларнинг тасодифий эканлигига ҳеч шубҳа қилиб бўладими. Ҳар ҳолда бундай сўз ва терминларнинг сўзлашув тилидан адабий тилга кўчирилиши ўзбек тилини ўрганишга ҳам, рус тилини ўрганишга ҳам ҳеч қандай ёрдам бермаса керак.

Терминологияда ва умуман адабий тилда оғзаки нутқга эргашиб «поршень кольцоси»; «поршень палеци» сингари сўз ва терминларнинг олинishi тил ва терминология тараққиётининг қонунияти бўлганда эди, назат (назад), поворот, скорость каби сўз ва терминлар ҳам олинishi керак эди, чунки баъзи шофер ва трактор-

чилар назатга бер, поворот қил, скоростни алмаштир дейишади. Шунга қарамасдан барча китобларда, ҳатто «поршень кольца, палец» тавсия этилган. «Тракторлар» китобининг ўзида ҳам назад эмас, орқага, поворот эмас, бурилиш, скорость эмас, тезлик деб ишлатилган. Баъзи колхозчилар қўсақ чувиш машинасини «варақа», «вараха» дейдилар, лекин адабий тилда, ёзма адабиётда бу машина ҳамма вақт ўз номи билан аталади.

Айтилганлардан тўғри хулосаларга келиш учун ўзбек тили терминологиясининг бойиш манбалари масаласи устида яна бир карра алоҳида тўхтаб ўтиш зарур.

Маълумки, терминология масалалари, айниқса унинг бойиш манбалари масаласи, ҳаминша кенг жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиб келади. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилгандан кейинги дастлабки йилларда тил ва терминология масалалари кескин синфий кураш жабҳасига айланди. Буржуа миллатчилари «Умумий туркий тил» шиори остида қадимий туркий сўзларни тирилтириш, кўплаб сунъий сўз ясаш (пуризм) йўлига тушдилар, мадрасаларда таълим олган эски зиёиларнинг бир қисми эса, ўзбек терминологиясини араб ва форс терминлари билан тўлдириш йўлини тутдилар.

Аммо бу ҳаракатларга Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ қақшатғич зарба берилди. Ўзбек терминологияси ҳаётнинг ўзи, унинг объектив қонуниятлари белгилаб берган бирдан-бир тўғри йўлга тушиб олди. Бу йўл терминологиянинг ўзбек тили ички имкониятлари ҳисобига, совет-интернационал терминлар ҳисобига бойиб бориш йўли эди. Бу ҳақда проф. Т. Н. Қориниёзийнинг 1934 йил 8 январда, тил ва термин масалаларига бағишланган биринчи илмий съезддаги нутқида бундай дейилади: «1926 йилларданоқ терминология илмий асосларга қўйилди, тилда ўзбекча ва интернационал терминлар салмоғи оша бошлади».^{1, 2}

Проф. А. К. Боровков, проф. В. В. Решетов ва доцент М. Мирзаевлар турли вақтларда ўтказган текши-

¹ ЎзССР Фанлар академиясининг архиви, фонд 4, дело 474, опись 3, 160—166-бетлар.

² 1929 йилда бўлиб ўтган Тил-имло конференцияси қарорида ҳам ўзбек тили терминологиясининг ана шу икки асосий манба ҳисобига бойиши қайд этилади; қ. «Маориф ва ўқитувчи» журнали, 1929 йил, 7—8-сонлар.

ришлар ўзбек тили ва терминологиясининг ана шу йўлдан оғишмай бораётганлигидан далолат беради. Қуйида шу текширишларнинг натижаларини келтирамиз:

Йиллар	Текширувчиларнинг номлари	Араб ва форсча сўз ва терминлар салмоғи, процент	Совет-интернационал сўз ва терминлар салмоғи, процент
1920—1925	А. К. Боровков	28—30	2—3
1934	В. В. Решетов	20—25	8—10
1944	М. Мирзаев	18—20	12—14

Бу маълумотлардан ўзбек тили терминологиясида араб ва форс терминларининг салмоғи тобора камайиб бораётганлиги, совет-интернационал терминларнинг салмоғи эса тобора ошиб бораётганлиги яққол кўриниб турибди.

Терминологиямизнинг ўзбек тили ички имкониятлари ҳисобига бойиши далилга ҳам муҳтож эмас.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати миллий тилларнинг тенг ҳуқуқли тиллар сифатида эркин ва ҳар томонлама ривожланишига ҳамиша катта эътибор бериб ва ғамхўрлик қилиб келади. Совет ҳокимияти йилларида ўзбек тили Ленин партиясининг доно миллий сиёсати туфайли ўзбек социалистик миллатининг умумхалқ адабий тили даражасига, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили даражасига кўтарилди.

Партиямизнинг XXII съезди миллий тиллар тараққиётининг янада порлоқ перспективаларини белгилаб берди. Съездда қабул қилинган янги Програмада Партия «бундан буён ҳам миллий тилларнинг эркин ривожланишини таъминлайди» деб ёзилган. XXII съездда қабул қилинган партия Программасининг проекти ҳақидаги докладда «Бизда миллий тилларнинг ривожланишига ҳеч қандай монелик йўқ. Аммо уларнинг тараққиёти миллатлар ўртасида ғовларнинг кучайишига эмас, балки миллатларнинг яқинлашувига олиб бориши керак», дейилган. Ўзбек тилининг тараққиёти мисолида биз ана шу йўлнинг муваффақиятли суратда амалга

ошиб бораётганлигини кўрамиз. Миллатларнинг ўзаро яқинлашуви аввало ҳамма миллий тилларда умумий лексик фонднинг кўпайишида намоён бўлади. Ўзбек тилида ҳам миллий тиллар лексикасининг ажралмас қисми бўлиб қолган совет-интернационал терминлар салмоғи кундан-кунга ошмоқда. Бундан буён ҳам ўзбек тили бой рус тилининг самарали таъсиридан баҳра олиб ривожланади.

1959 йили Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ терминология кенгашида майдонга қўйилган минимал тафовутлар принципи ҳам миллий тилларнинг яқинлашувини кўзда тутди.

Минимал тафовутлар принципining моҳияти шундан иборатки, ҳамма миллий тилларда терминология умумий манбадан фойдаланиб, умумий тартиб ва қоидалардан ўрнак олиб ривожланади, бу эса миллий тилларда умумий лексик фонднинг ошувига, миллий терминологияларнинг унификациялашувига олиб боради. Равшанки, умумий манба — ҳамма совет халқларининг иккинчи она тили, миллатлараро алоқа воситаси бўлиб қолган улуг рус тилидир. Ҳамма миллий терминологиялар рус тилида илмий асосларга қўйилган тартиб ва қоидалардан ўрнак олиб тараққий қилади.

Аммо, минимал тафовутлар принципи тавсия этилган докладда¹ бу принцип «рус тили терминологияси билан СССРнинг кўпгина халқлари адабий тилларининг терминологияси ҳар жиҳатдан бир хил бўлиши керак, деган сўз эмас», деб уқтириб ўтилади.

«Қўйилаётган принциплари,— дейилади докладда,— ...она тилининг спецификасини, унинг тарихий тараққиётидаги ўзига хос хусусиятларни тўлиқ ҳисобга олган ҳолда амалга оширмақ зарур»². «Шунинг билан бирга бу қоидадан истисно қилиниши мумкин бўлган ҳолларни ҳам ҳисобга олиш керак. Улар ҳар бир тилда азалий ёки бошқа тиллардан қабул қилинган ва ўзлашиб кетган терминларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир...»³.

«Адабий тилларнинг терминологиясида минимал тафовутлар принципining қўлланиши ҳақида сўз борар

¹ Роль русского языка в развитии словарного состава языков народов СССР. «Вопросы терминологии» номли тўплам, М., 1961, 13—14-бетлар.

² Ўша ерда, 43-бет.

³ Ўша ерда, 44-бет.

экан,— дейилади докладнинг яна бир ерида,— рус графикасидан фойдаланувчи озарбайжон, тожик ўзбек тиллари сингари қадимдан ёзма адабий тилга эга бўлган тилларнинг тарихий традициялари билан ҳисоблашмасдан бўлмайди. Уларда бу принцип анча истиснолар билан қўлланиши мумкин. Бу эса шу тилларнинг тарихий традицияларидан, уларда асрлар давомида шаклланган терминологиянинг борлигидан келиб чиқади»¹.

Ўзбек тили терминологиясининг икки асосий бойиш манбандан фойдаланишда Бутуниттифоқ терминология кенгашининг ана шу кўрсатмаларига амал қилиш керак.

Тайёр терминларни ўзгаришсиз ёки ўзгартириб қабул қилиш, уларга тақлидан термин ясаш ва ўзбек тилининг ички имкониятларидан фойдаланиш масалаларида фақат амалий ишда, таржима практикасида эмас, балки шу масалаларга бағишланган илмий ишларда ҳам турли фикрлар, ҳар хилликлар мавжуд. Масалан, «Ўзбекча физика терминлари ҳақида» деган мақолада² «Ўзбек халқ тилининг, ўзбек ишчилари, деҳқонлари ва интеллигентлари тилнинг бойликларини ўрганиш терминология устида ишлаш учун қимматли бой материал беради. Физика терминологиясидаги камчиликлар ўзбек тилининг камбағаллигидан эмас, балки унинг бойликларидан фойдалана билмасликдандир» деб жуда тўғри айтилган. Шу маънода М. В. Ломоносовнинг «турли фикрларни ифодалаш учун сўз топа олмасликини тилнинг камбағаллигидан эмас, балки ўзимизда маҳорат йўқлигидан деб билиш керак», деган фикри ўзбек тилига ҳам тааллуқлидир. Лекин ўша мақоланинг ўзида «қурилма, ўзнузгич сингари уйдирма сўз комбинацияларининг кимга кераги бор» дейилади. Бу ҳолда сақлагич, очқич, тенглама, мослама, қотишма, марказдан қочма куч, марказга интилма куч, ўрама каби терминлар тўғрисида нима дейиш керак?

Тўғри, ҳамма учун тушунарли тайёр термин бўлгани ҳолда ҳадеб термин ясайвериш ҳам ярамайди. Чунки бу максимал тафовутлар принцигга, пуризмга олиб бо-

¹ Роль русского языка в развитии словарного состава языков народов СССР. «Вопросы терминологии» номли тўплам, М. 1961, 44-бет.

² М. Д. Ягудеев, Р. Х. Маллин, Об узбекской физической терминологии, «Известия АНУЗССР», 1953, 78—79-бетлар.

ради. Лекин ўзбек тили имкониятларидан фойдаланиб ясалган ҳар бир терминни сунъий, ясама деб эълон қилиш ҳам тўғри эмас. Дунёда ҳеч бир тил йўқки, унда ҳар бир янги тушунчани ифодалаш учун термин олдиндан тайёрлаб қўйилган бўлсин. Ҳамма тилларда ҳам янги тушунчани ифодалаш учун ё бошқа тилдан тайёр термин қабул қилинади, ё шу тилнинг ўзида мавжуд бўлган сўз ёки терминдан фойдаланилади, ё бўлмаса янги термин ясалади. Улар янги бўлгани учун сунъий, ясама туюлса-да, тилнинг грамматик қурилишига, адабий тил нормаларига, терминология талабларига мувофиқ ясалган бўлса, табиийдир ва тезда ўзлашиб кетади. Бизнинг замонамизда терминологик лексика тор доирада чекланиб қолмасдан жуда тез кенг халқ оmmasига ёйилади. «Терминологик лексика умумхалқ тилига секинлик билан кириб борадиган замонлар аллақачон ўтиб кетган»¹.

Академик В. В. Виноградов Бутуниттифоқ терминология кенгашида сўзлаган кириш нутқида терминологияни бойитишда тилнинг ички ва ташқи манбаларидан фойдаланиш ҳақида бундай дейди: «Ҳар бир конкрет тил терминологиясида шу тилнинг ўз терминларидан, интернационал терминлардан, шунингдек рус тили ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган терминлардан энг мувофиқ равишда фойдаланиш зарур. Шу билан бирга номувофиқ, унча тушунарли бўлмаган, сунъий равишда ясалган терминларга қарши кураш олиб бориш зарур»².

Шундай қилиб, ўзбек тили терминологиясини ривожлантиришда унинг икки асосий бойиш манбаидан тўғри фойдаланиш йўллари белгилаб олиш ўзбек тили терминологиясининг энг муҳим, шу билан бирга мураккаб назарий масалаларидан биридир.

Терминларни ўзича ёки ўзгартириб қабул қилиш ва калькалашда айтилганлардан ташқари, қўйидаги асосий камчиликларни кўрсатиш мумкин.

1. Баъзан рус тили терминологиясининг хато ва камчиликлари ўзбек тили терминологиясига кўр-кўрона кўчирилади ёки рус тилидаги терминга тақлидан нотўғри термин ясалади. Масалан, *коробка передач*—*коробка скоростей*, *компонент* — *слагающая* — *составляющая* рус

¹ С. И. О ж е г о в, Очередные вопросы культуры речи, сб. «Вопросы культуры речи», вып. I. М., 1955, 31 бет.

² «Вопросы терминологии» номли тўплам, 10-бет.

тили терминологиясида дублет терминлардир. Одатда бундай терминларнинг ҳаммаси, ҳатто хатолари ҳам олинаверади. Физик ва математик терминлар лугатларида, масалан, **компонент** — **слагающая** — **составляющая** терминлари қуйидагича тавсия этилган:

	Физик терминлар луғатида	Математик терминлар луғатида
Компонент	Компонент	Компонент
Слагающая	—	Ташкил этувчи
Составляющая	Ташкил этувчи	тузувчи, компонент

Ҳақиқатда бу терминлар бир-бирининг синоними-дир. Бинобарин, ўзбек терминологиясида компонент, тузувчи ёки ташкил этувчи терминларидан биригина кифоя эди.

Худди шунингдек, рус тили терминологиясининг маълум босқичида юзага келган хато «живая сила» терминини такрорламасдан унинг тўғри варианты «кинетик энергия» термини билан кифояланиб, «жонли куч» терминидан воз кечиш маъқулроқ бўлар эди.

Бу хилдаги хато ва камчиликларга йўл қўймаслик учун ҳар бир соҳа терминологиясини тартибга солиш устида иш олиб борувчилар шу соҳанинг фақат ўзбек тилидаги терминологиясини эмас, балки рус тилидаги терминологияси ва унинг камчиликларини ҳам ўрганиб чиқишлари, шу соҳа терминологиясига оид, рус тилида ёзилган илмий текшириш ишлари билан таниш бўлишлари зарур.

2. Рус тилининг специфик хусусиятлари баъзан ўзбек тилига механик суратда кўчирилади. Масалан, абсолютно-черное тело, механик-водитель, школа-интернат каби терминлар рус тилининг хусусиятига кўра дефис билан ёзилади. Шунга тақлидан абсолют-қора жисм, механик-ҳайдовчи, мактаб-интернат ни дефис билан ёзадилар. Бу тўғри эмас. Чунки ўзбек тилида абсолют қора жисм, интернат мактаб, ҳайдовчи механик дейилса, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Газообразный, конусообразный сингари формалар ўзбек тилига керак бўлмаган ўринларда ҳам газсимон,

конуссимон деб таржима қилинади. Ваҳоланки, ўзбек тилида, газ, конус сўзлари аниқловчи вазифасида келганда газообразный, конусообразный маъноларини бераверади: газообразное состояние — газсимон ҳолат эмас, газ ҳолат, коническая (ёки конусообразная) колба — конуссимон колба эмас, конус колба деб олинса, маънога ҳеч халал етмайди.

Кўпгина хатолар рус тилидаги нисбий сифат+от таркибли терминларга тақлидан термин ясашда юзага келади. Бундай терминлар ўзбек тилида кўпинча ё сифат+от бирикмаси (масалан, поршневой насос — поршенли насос; настенный кронштейн — деворий кронштейн; ручной станок — дастаки станок; революционное движение — революцион ҳаракат; максимальная нагрузка — максимал нагрузка ва ҳ. к.), ё қаратқич+қаралмиш бирикмаси (масалан, рабочий инструмент — иш асбоби; рабочее движение — ишчилар ҳаракати; водяной насос — сув насоси; ртутный столб — симоб устуни ва ҳ. к.), ё от+от бирикмаси (масалан, железная дорога — темир йўл; электрическая лампа — электр лампа; ручная пила — қўл арра; генеральный план — бош план ва ҳ. к.) орқали ифодаланади. Сўз ва термин яшашнинг бу уч усули ўзбек тилида қадимдан мавжуд ва сермахсул усуллардандир. Айниқса от+от таркибли терминлар ўзбек тилида кенг тарқалган. Бу терминлар тарихан мураккаб терминларнинг қисқариши (эллипсис) натижасида юзага келади ва компонентлар ўртасидаги семантик боғланиш жиҳатидан жуда хилма-хилдир. Улар баъзан бирикиб, бир сўз ҳолига келади. Чунончи, ой болта (ойболта)— ой шаклидаги болта; ~~ғишт~~ кўприк — ~~ғишт~~дан қурилган кўприк; олма чой — олма қоқидан тайёрланган чой; ~~зиғир~~ мой — ~~зиғир~~ уруғидан олинган мой; сув тегирмон — сув кучи билан ишлайдиган тегирмон ва ҳ. к. Бу ва бу сингари терминлар асрлар давомида ишлатилиб келган ва ҳозир термин яшаш учун тайёр модель қолип бўлиб қолган. Бироқ ўзбек тилида янгидан юзага келаётган шу типдаги терминларда баъзан хатоликлар борлигини кўрамиз. Бу хатоликлар асосан, рус тилидаги таркибли терминларнинг ўртасидаги семантик боғланишни аниқлаб олмасдан термин яшаш натижасида туғилади. Масалан, «пружинная шайба» деганда пружиналанувчи шайба тушуниладими, ёки пружинанинг шайбаси тушуниладими? «Анод-

ная лампа», «катодная лампа» тушунчасида лампанинг ўзи анодми (катодми) ёки у анод (кадод) лампасими? Бундай терминлар билан ифодаланган тушунчаларнинг моҳиятини билмасдан ёки ҳисобга олмасдан ўзбек тилида тўғри термин танлаш қийин. Дарҳақиқат, юқоридаги мисолларда шайбанинг ўзи пружина хусусиятига эга бўлса, «пружина шайба» ёки «пружиналанувчи шайба» дейиш, агар шайба пружинаники бўлса, «пружина шайбаси» дейиш керак бўлади. Худди шунингдек, «анод (катод) лампа» бирикмаси билан «анод (катод) лампаси» бирикмаси ўзбек тилида маъно жиҳатидан тенг эмас. Биринчи бирикмадан лампанинг ўзи анод (катод) эканлиги, иккинчи бирикмадан эса лампа анодга (катодга) тегишли эканлиги англашилади.

Хуллас, терминнинг таркибий қисмлари ўртасидаги боғланишдан ва шу термин билан ифодаланган тушунчанинг моҳиятидан қатъи назар, составли терминларни от+от шаклига келтириб қўйиш (**электр сигим, электр химоя, электр қутбланиш, электр куч каби**) ёки қаратқич+қаралмиш шаклига келтириб қўйиш (масалан, **плунжерли насос ўрнига плунжер насоси**) ҳамма вақт тўғри бўлавермайди. Шунинг учун ҳам терминларни тартибга солишда улар аввал таърифлаб олиниши керак.

3. Рус тилида баъзи составли терминлар «о» ёки «е» боғловчиси ёрдамида бир сўз ҳолига келтирилади: **электрическая энергия — электроэнергия; электрическая пила — электропила** ва ҳоказо. Ўзбек тилида баъзан бундай терминларнинг ҳар иккаласи ҳам олиниб, улардан ташқари от+от ва от+от+эгаллик аффикси шаклида яна иккита термин ясалади. Натижада битта термин ўрнига тўртта термин ҳосил бўлади: **электрик станция, электростанция, электр станция, электр станцияси**. Бундай терминлар ҳам текшириш ва аниқлаш талаб қилади. Ҳар ҳолда «о», ёки «е» боғловчилари ёрдамида ясалган терминлардан ўзбек тилида, фақат рус тилининг ўзида ҳам морфологик қисмларга ажратиб ишлатилмайдиганлари олиниши керак. Масалан, «пылесос», «радиоактив модда» ва ҳоказолар. Қолганлари эса мумкин қадар ё атрибутив (сифатловчи) бирикма шаклида (**электр двигатель**) ёки посессив қаратқичли) бирикма шаклида (**электр станцияси**) олиниши маъқулроқ.

4. Деление, дробление каби иш-ҳаракат ва процесс номлари рус тилида аниқ (дробить, делить) ва ўзлик (дробиться, делиться) феъллардан ясалган. Ўзбек тилида эса аниқ (бўлмоқ, майдаламоқ) феълидан бўлиш, майдалаш, ўзлик (бўлиноқ, майдаланоқ) феълидан эса, бўлиниш, майдаланиш ясалади.

Демак, бўлиш, бўлиниш сўзлари ўзбек тилида деление сўзининг (терминнинг) икки варианты эмас, балки иккита мустақил сўз (термин)дир. Кўпгина русча-ўзбекча терминологик луғатларда бу ҳол ҳисобга олинмайди. Масалан, «Математик терминлар луғати»да деление бўлиш деб берилган; деление с остатком сингари 8 та бирикмадан фақат биттасида «бўлиниш» ҳисобга олинган. Қ. Зокиров ва бошқаларнинг юқорида зикр қилинган ботаника терминлари луғатида «размножение» фақат — урчиш, кўпайиш маъносида берилган. «Оплодотворение» эса фақат «уруғланиш, оталаниш» маъносида берилган. Ваҳоланки, «искусственное оплодотворение» бирикмасида ўша сўзнинг ўзи «уруғлатиш» маъносида ҳам келади (сунъий уруғланиш ва сунъий уруғлатиш). Шуниси қизиқки, ботаника терминлари луғатининг ўзида «искусственное размножение» — «сунъий урчиш, сунъий кўпайиш» дейилган. Лекин «организмларнинг инсон томонидан кўпайтирилиши» деб тўғри изоҳланган.

Терминологияни тартибга солишда ва терминология луғатлари тузишда бу ҳолни албатта эътиборга олиш керак.

5. Электрификация, газификация, механизация, индустриализация, электризация, электрифицирование, газифицирование, газирование, кальцинирование, кальцинация сингари иш-ҳаракат ва процесс номларини билдирувчи терминларни қабул қилиш ёки калькалашда ҳам баъзан хатоликларга йўл қўйилади. Масалан, индустриализация — индустрлаш, индустриялаш, индустриялаштириш, индустрлаштириш шаклларида, механизация эса механизациялаш, механизациялаштириш, машиналаштириш шаклларида, кальцинация ва кальцинирование — кальцинирлаш, кальцийлаш, калцийлаштириш шаклларида учрайди.

Кальцинация, кальцинирование — бўр, оҳак, ишқор, туз, руда ва шу кабиларни қиздириб, улардан намлик, карбонат кислота ва ш. к. ларни чиқариб юбориш про-

цессининг номидир. Шунинг учун бу терминнинг кальцийга ҳеч қандай алоқаси йўқ, бинобарин «кальцийлаш» ёки «кальцийлаштириш» деб олинishi тўғри эмас. Кальцинирлаш, регулirлаш, аккумуляирлаш сингари формаларга келсак, уларни ўзбек тилида морфологик қисмларга ажратиб бўлмайди. Бундай ҳолларда терминнинг морфемаларга ажратиб бўладиган қилиб олинishi маъқулроқ деб ҳисоблаш керак. Масалан, кальцинация, кальцинирование терминини кальцинирлаш, кальцинирланиш шаклида эмас, кальцинациялаш; кальцинацияланиш шаклида (кальцинацияланган ишқор), аккумуляция, аккумуляирование терминини аккумуляирлаш, аккумуляирланиш шаклида эмас, аккумуляциялаш, аккумуляцияланиш шаклида, регулировка, регулирование терминларини регулirлаш, регулirланиш шаклида эмас, регулировка қилиш шаклида олингани маъқулроқ.

Механизациялаш, механизациялаштириш, электрлаш, электрлаштириш, газлаш, газлаштириш типдаги терминлардан қайси бири тўғрироқ эканлигини аниқлаш учун шуни ҳисобга олиш керакки, -лаш ва -лаштириш аффиксларининг функцияси бир эмас. Рус тилида -фикация ёки -изация билан тугалланган иш-ҳаракат ва процесс номларига ўзбек тилида -лаштириш аффикси билан ясалган номлар тўғри келади, -ла (ш) аффикси эса, отлардан феъл ясайди: электр + ла + ш, газ + ла + ш. Бинобарин, электрификация, электрифицирование термини электрлаштириш шаклида, газификация, газифицирование термини газлаштириш шаклида олинishi керак. Электрлаш — электр хусусиятлари бериш, газлаш — газ билан тўйинтириш демакдир. Бинобарин, квартирани, шаҳарни, қишлоқни электрлаштириш, газлаштириш мумкин, электрлаш, газлаш мумкин эмас. Бундан кўринадики, механизация, индустриализация терминлари +ла (ш) аффиксини ололмайди, демак бу терминлар механизациялаштириш, индустриализациялаштириш шаклида олинishi керак. Бу ҳолларда ҳам қабул қилинган терминнинг морфемаларга ажратилишини кўзда тутиш зарур. Масалан, «индустриализация + лаштириш» узун, ноқулай деб топилган тақдирда, «индустр + лаш»дан кўра «индустрия + лаш» деб олиш тўғрироқ бўлади, чунки индустр деган сўз рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам йўқ.

6. Рус тилининг баракали таъсири остида ўзбек

тили фақат янги сўз ва терминлар билангина эмас, балки янги морфологик шакллар билан ҳам бойиди. Бу эса «термик цех», «авиацион мотор» «максимал температура», «оператив маълумот» сингари терминларни қабул қилиш ва ўзлаштиришда ўзбек тилининг имкониятини кенгайтирди. Бироқ, -ий, ий, -ческий морфемалари билан ясалган сифатлардан ўзбек тилида ҳамма вақт юқоридаги типда сифат формалари ясалавермайди. Масалан, «кристаллическая решетка» ни «кристаллик панжара» деб олинса бутунлай бошқа маъно келиб чиқади. «Конический»ни «коник» деб, «шариковый»ни «шарик» деб қисқартириб бўлмайди.

Бундан ташқари, рус тилида сифатлар турли илдишлардан турлича ясалади ва уларнинг қандай илдишдан ясалганлигини баъзан билиб бўлмайди. Бунинг натижасида «абразив заводи» ўрнига «абразия заводи», «домна печи» ўрнига «домен печь» «радиорелейли линия» ўрнига «радиорелейли линия» сингари нотўғри терминлар юзага келади.

Ўзбек тилида янги сифат формаларини қўлланиб бўлмайдиган ҳолларда баъзан -ли аффиксли сифатлар қўлланилади. Масалан, «шарикли подшипник», «тишли филдирак», «плунжерли насос», ва ҳоказолар. Лекин -ли аффиксли сифатлар ҳамма вақт рус тилидаги сифатларнинг маъносини беравермайди. Бундан ташқари улар баъзан ноаниқликларга сабаб бўлади. Масалан, «иккита шарикли подшипник», «йигирма битта тишли филдирак», «ички тишли филдирак», деганда «иккита», «йигирма битта» ва «ички» сўзларининг шарикками, подшипникками, ёки тишгами, филдиракками оидлиги билинмайди. Ана шуларнинг ҳаммаси ўзбек тилининг имкониятларини янада ошириш учун рус тилидаги баъзи сифат формаларини зарур ҳолларда ўзича қабул қилинишини тақозо қилади. Ўзбек тили терминологиясида бундай мисоллар йўқ эмас. Масалан, «плавиковый шпат», «сортовой пўлат», «типовой проект», «крепостной ҳуқуқ», «коммерческий магазин», «морожний», «пирожный» ва ҳоказолар. Худди шунингдек, шариковий подшипник, роликовий подшипник, плунжерний насос, токарний станок, каби формалар ҳам олинса, ўзбек тили терминологиясини бойитишда яна бир енгиллик ва аниқлик туғилган бўлар эди.

Шунингдек араб тилидан қабул қилинган -ий, -вий

аффиксларидан кенгроқ фойдаланиш ҳам баъзи ўринларда (оний куч, техникавий парвариш ва ҳ. к.) мутлақо зарур кўринади.

7. Ниҳоят ўзбек тилида баъзи номувофиқ терминлар таржимонларнинг берпарволиги ёки тажрибасизлиги орқасида юзага келаётганлигини ҳам айтиб ўтиш зарур. «Релели» ўрнига «релейли», «абразив» ўрнига «абразия», «домна печи» ёки «доменный печь» ўрнига «домен печь» «плунжерли насос» ёки «плунжерный насос» ўрнига «прунжер насос» каби терминларнинг учраши, албатта таржимонларнинг бепарволиги, уларнинг рус тилида шу терминларнинг қандай ўзаклардан ясалганлиги билан қизиқмаганлиги натижасидир.

Рус тилида отларнинг турланишидан беҳабарлик орқасида ҳам шундай чалкашлиklar учраб туради. Масалан, «завод мельнично-элеваторного оборудования изготовил для хлопковых сушилок 1000 комплектов сит» деган иборани «Қ. Ўзбекистон» (2 май, 1950 й.) газетасида «Тегирмон-элеватор ускуналари заводи пахта сушилкалари учун 1000 комплект сит тайёрлаб берди», деб таржима қилинган. Ваҳоланки, «сит» мустақил сўз эмас, балки «сито» (тўр) сўзининг родительный падеждаги кўплик формасидир. Демак, «завод 1000 комплект тўр тайёрлаб берди» дейиш керак эди.

Бундай мисолларнинг учраши, албатта, тез унутилиб кетадиган мутлақо тасодифий ҳолдир. Лекин ўзбек тили терминологиясини тартибга солишда таржима сифати ва маданиятини ошириш катта аҳамиятга эга эканлигини яққол кўрсатади.

Шуниси ҳам борки, «живая сила — жонли куч», «лошадиная сила — от кучи» каби хато терминлар ўзлашиб, «ғалати машҳур» бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бунинг олдини олиш терминология ишининг муҳим вазифаларидан биридир.

Юқорида рус тилидан ва рус тили орқали тайёр терминларни қабул қилиш ва уларга тақлидан термин ясашда қарорлашмаган терминларнинг юзага келиш йўллари санаб ўтилади. Шу муносабат билан ўзбек тилининг ички имкониятларидан фойдаланишда номувофиқ терминларнинг юзага келиш йўллари ҳам қисман санаб ўтилди. Улар: а) мавжуд сўз ёки терминлардан бир неча терминологик маъноларда фойдаланиш; б) бир терминологик маънода бир неча сўз ёки

терминдан фойдаланиш ёки бир неча термин яшаш; в) морфологик шакллардан (масалан, -лаш ва -лаштириш аффиксларидан) нотўғри фойдаланиш ва г) ўзбек адабий тилининг нормаларидан чекинишдир.

Булардан ташқари яна қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Синонимик (дублет) терминлар ўзбек тилида морфологик ва диалектал шаклларнинг кўпчилиги ва улардан параллел фойдаланиш орқасида ҳам вужудга келади. Масалан, **ишқалиш — ишқаланиш; думалаш — юмалаш; жун — юнг, ўргамчи — ўргимчак; кирпи — типратикан** ва ҳоказолар.

2. Бир терминни яшаш учун турли морфологик воситалардан фойдаланиш ҳам параллел терминларнинг кўпайишига олиб келади. Масалан, **рангли металл — рангдор металл; кучланиш — кучланишлик; кўтаргич кран — кўтарма кран** ва ҳ. к.

Баъзан ўзбек тилининг имкониятларидан фойдаланиб бир ўзакдан бир неча параллел термин ясалиши мумкин. Масалан, рус тилида фақат биргина ном билан аталадиган «хлопкоуборочная машина» ўзбек тилида «пахта терадиган машина», «пахта терар машина», «пахта терувчи машина», «пахта териш машинаси», «терим машинаси» каби шаклларда учрайди. Параллел терминлар яшаш жиҳатидан айниқса, **-(а)ш, -(и)ш, -(а)йдиган, -(и)йдиган, -(о)вчи, -(у)вчи** аффикслари сермахсулдир. Масалан, **ер ковлаш машинаси, ер ковлайдиган машина, ер ковловчи машина**. Шу термин таркибидаги «ковламоқ» сўзини унинг синоними «қазимоқ» сўзи билан алмаштирилиши мумкинлигини ҳисобга олсак, шу маънода яна учта термин ҳосил бўлади. **Ер қазииш машинаси, ер қазийдиган машина, ер қазувчи машина**.— Бу терминларнинг ҳаммаси ҳам ўзбек адабий тилининг нормаларига, ўзбек тили грамматик қурилишининг талабларига жавоб беради. Шунга қарамасдан, терминология талаблари улардан энг мувофиқларини танлашни тақозо қилади.

3. Баъзан тасодифий терминлар ўзбек тилида мавжуд терминларни билмаслик орқасида вужудга келади. Масалан, Н. Маматовнинг «Пахтачилик терминларининг қисқача изоҳли лугати»да «прицветник» маъносида **гулёнлиги, гулёнбарг, гулёняпроқ, гул тевараклиги, гул кўргони** каби терминлар тўқилганлиги қайд этил-

ган. Ваҳоланки, у ўзбек тилида «шонабарг» деб аталар экан. С. Иброҳимовнинг касб-ҳунар лексикасига бағишланган ишларида жуда кўп халқ терминлари, чунончи ранда хиллари ва қисмларининг бир неча номи, арра хиллари ва қисмларининг бир неча номи ва бошқалар тўпланган. Бу терминларни тўплаш, ўрганиш ва улардан мувофиқ ўринларда фойдаланиш тасодифий, ноаниқ, синонимик ва бошқа хато терминларнинг кўпайишига шубҳасиз бирмунча чек қўя олади. Бу жиҳатдан характерли бир мисол. Ўзбек металсозлари болға урувчини «босқончи» деб, дам босувчини эса «дамгар» деб атайдилар. Буни билмаслик орқасида баъзи таржимонлар «дамгар»ни ҳам, «босқончи»ни ҳам кўпинча «босқончи» деб атайдилар.

Ниҳоят, шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек тили терминологиясининг хато ва камчиликлари, кўпинча терминологиянинг илмий асослари, илмий принциплари ишланмаганлигидан деб саналади. Ҳақиқатда эса, терминология иши Совет Иттифоқида, айниқса рус тилида, илмий асосларга қўйилган. Рус тилида ва бошқа қардош тилларда терминологияга оид жуда кўп илмий ва амалий ишлар қилинган. Хусусан, академик С. А. Чаплигин, Д. С. Лотте, Г. О. Винокур, Н. К. Сухов, А. А. Рефоматский ва бошқаларнинг ишлари, СССР Фанлар академияси ҳузуридаги Техника Терминологияси Қомитетида олиб борилаётган ишлар ва нашр этилган лугатлар, Бутуниттифоқ терминология кенгашининг материаллари, шунингдек республикаларда ҳимоя қилинган, терминологияга оид диссертация ишлари диққатга сазовордир.

Ўзбек тили терминологиясининг назарияси, илмий асослари соҳасидаги вазифа ана шулар билан танишиб чиқиш, уларни ўзбек тили терминологиясига татбиқ этишдан иборатдир. Албатта ўзбек тили терминологиясининг ўзига хос, специфик масалалари ҳам йўқ эмас. Мавжуд ишлар билан танишиш ана шу масалаларни аниқлаш ва ечиш учун ҳам катта ёрдам беради.

Ўзбек тили терминологиясининг камчиликларига келсак, улар том маънодаги терминология ишининг терминология практикасида орқада қолиб келаётганлигидан, терминология устида доимий ва узлуксиз иш олиб борилмаётганлигидандир. Натижада ўзбек тилида шу чоққача қонун ҳукмига кирган пухта терминологик

луғатлар ва ўзбек тили терминологиясининг специфик масалаларига бағишланган пухта илмий текшириш ишлар юзага келмаётир. Терминологиядаги чалкашлик ва хилма-хилликларнинг бартараф қилинмай келишига асосий, сабаб ана шундадир.

Ўзбек тили терминологияси устида доимий ва узлуксиз ишни йўлга қўйиб юбориш ва марказлаштириш учун энг асосий вазифа Ўзбекистонда терминология ишига раҳбарлик қиладиган марказий орган ташкил этишдир.

* * *

Ўзбек тили қадимий ёзма адабиёт анъаналарига эга бўлган нафис ва бой тиллардан биридир. Совет ҳокимияти даврида ўзбек тили, айниқса унинг терминологияси янада ривожланди ва ривожланиб бормоқда. Ушбу китобчада ўзбек тили терминологиясининг муҳим масалалари — терминологиянинг адабий тил билан муносабатлари, терминологиянинг бойиши йўллари, нуқсонлари, терминология соҳасида қилинадиган ишлар ва вазифалар баён қилинди. Китобча тил ва терминология билан қизиқувчи китобхонларга озми-кўпми ёрдам беради, деб умид қиламиз.

На узбекском языке

С. Ф. АКОБИРОВ

ЯЗЫК И ТЕРМИНОЛОГИЯ

Объединенное издательство
ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент — 1968

Редактор У. Мухамедов
Техредактор В. Зубовская
Корректор В. Хакимов

Теришга берилди 22/VII-1968 й. Босишга рухсат этилди 31/X 1968 й. Қоғоз формати 84×108²/₃₂. Босма листи 1,25. Шартли босма листи 2,1. Нашриёт ҳисоб листи 2,0. Тиражи 23030. Нашр № 159. Р02935. Заказ № 7303. Баҳоси 6 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, уй № 26.